



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати нашри

Боғланиш учун эл.кутиси: erkinyurt2011@gmail.com

2011 йил,
№7



Дахшатли бир тезлик, кўркинчи бир шитоб бор Замонда.

Унинг тезлигини кузатиш учун энг яхши майдон – инсонлар шаймоилидир: кечагина сенга дўст бир киши бугун душманларинг каторида – дўстандан душманга айланиш жараёни шу қадар тез!

Йўқотишлар ҳам яшин тезли-

Кичик ишоратлар

гида: иффаг, хаё, садоқат, адолат, виждон – кеча бор эди, бугун йўк!

Кўзлар, қалблар худди ўғри тушган уйлар каби бўм-бўш!

Бугун душмандан кўркмайман, бугун дўстандан кўрқаман.

Душман зарбасига қарши тadbирим бор, дўстникига йўк: чунки бу зарб қайсинисидан келишини билмайман.

Эй воҳ, бу халокатли ҳолатга кўникмакдаман!

Энди хиёнат қилсалар, хайрон бўлмайман. Кўзимга қараб туриб ёлғон сўйласалар, ҳаёсизлик ва виждонсизлик қилсалар, омонатга хиёнат, тухмат этсалар – буларга хайрон бўлмайдиган бўлдим.

Хайрон бўладиган нарсаларим энди бошқа. Энди мен ҳали ҳам яккам-дуккам учраб қоладиган баъзи инсонларни кўрсам хайрон

бўламан.

Масалан, бирданига ўз сўзини тутган бир кимсани кўрсам!

Ёки бири иккинчисига садоқат кўрсатган кишилар хайратимни ақл бовар қилмас даражада оширади!

Тузингизни еб, тузлигингизга тупурмаган биттасини кўриб, хайратга тушмайсизми?

Имкони бўлса ҳам, елкангизга ханжар урмаган биттаси наҳотки сизни хайратга солмаса?!

Нима десангиз денг, мен динини суистеъмол қилмаган бир мулла, сўзини Оллоҳ учун айтган бир шоир, сиёсатини халқи учун қилган бир арбоб, ғийбат-ла биродарларининг гўштини емаётган бир жамоатни дафъатан кўриб қолсам, хайратга тушаман.

Ҳатто ўзимдан ҳам хайратга туша бошладим.

Шу ғаройиб хайратланиш туйғуси вафот этган бир онда, тўғри сўз масхара мавзусига айланган бир даврда, ҳали ҳам хайратланишда давом этганимдан, ҳали ҳам масхара мавзусига айланган сўзни айтишга уринганлигимдан хайратга тушаман.

Ё Роббим, қулингни сироти мустақимингдан айирма, бу тезлашган охир замонингда!

Муҳаммад Солиҳ

www.muhammadsalih.com

ҚУШЛАР БИЗГА ЎРНАК БЎЛСИН...

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм
Суннатуллоҳ Аллоҳ таолонинг еру осмонлар ва улар орасидаги бутун мавжудотлар учун қўйган илоҳий низоми ҳисобланади. Бу низомда камчилик ва хато бўлмагани каби, унинг ичида содир бўладиган жараёнлар ҳам ғоя-мақсадсиз эмасдир. Зеро, Аллоҳ таоло яратадиган нарсаларини камчилик ва хато, ғоя-мақсадсиз билан яратишдан

пок-муназаҳдир. Мана шундай мукамал низом ичида мавжуд бўлган нарсаларда ва содир бўладиган жараёнларда инсонлар учун ўрнак ва белги-оятлар борлиги Қуръони Каримда такрор-такрор таъкидланади. Бундан мақсад инсонлар ўзларига берилган ақлларини тўғри йўлда ишлатиб, хидоят йўлига эргашишлари учундир.

(Давоми 4-саҳифада).

Андижон вилоятининг Андижон туманида истиқомат қилувчи

Козим исмли шахс совуқда музлаб ўлди. Вилоят туманлари тўрт кундан буён зулматга чўккан.

Ўзбекистонда совуқдан ўлиш бошланди



“Андижон вилояти туманларига электр энергияси берилиши тўхтатилганига тўрт кун бўлди. Андижон шаҳрида эса икки кун чироқ бўлмади. Газ таъминотининг узиб қўйилганига бир ой бўлди.”

Бу мактуб тафсилотларини аниқлаш жараёнида чироқ йўқлиги оқибатида рўй берган яна бир воқеа ошкор бўлди.

Андижонлик Жаҳонгир Қосимовнинг «Озодлик»ка айтишича, водийда қалин қор ёққан кун, 9 ноябрда бир киши совуқдан музлаб ўлиб қолган:

- Андижон шаҳрида икки кун чироқ бўлмади, туманлар эса тўрт кундан буён зулматга чўккан. Андижон туманининг Зорак қишлоғи бор, шаҳар четига. Икки кун олдин ўша қишлоқдаги Исломобод маҳалласининг Истиқлол кўчасидаги 9-уйда яшайдиган 45 ёшли Козим исмли шахс совуқдан музлаб жон таслим қилган. У уйига қайтаётган пайтда қоронғуда бир чуқурга тушиб кетиб, хушидан кетиб қолган. Қоронғу бўлгани учун уни ҳеч ким пайқамаган. Тонггача ўша ерда қолиб совуқда музлаб қотиб қолган. Агар кўча ёруғ бўлганда эди, балки уни кимдир кўриб қолган бўлармиди? - дейди Жаҳонгир Қосимов.

Кўшни Боғишамол қишлоғида яшовчи Мухаммадjon ака бугун вилоят бўйлаб вазият кескинлашаётганини айтади:

- Ҳа, икки кун бўлди, совуқда музлаб ўлиб қолибди. Ўзи совуқда ўладиган замон бўлди шекилли, на газ, на чироқ бор. Бир тонна кўмир 400 минг сўмга чиқиб кетди. Халқ жуда қийналиб қолди!

Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Пайтук шаҳарчасида яшовчи Тўлқин Мирҳайдаров ҳам аҳолининг совуқдан жуда ҳам қийналаётганини айтди:

- Тўрт суткадан бери свет йўқ. Илгари ҳар қалай бир суткада 4 соат бериб турарди. Шу ҳам ўлди. Аҳоли қийналиб қолди, эплагани кўмир ёқпти, эпламагани сандал куриб олган. Свет бўлмагани учун сув ҳам йўқ,- дейди Тўлқин Мирҳайдаров.

Ж. Қосимовнинг айтишича, Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти раҳбарияти билан ўтказган селектор мажлисида водий вилоятлари бу йил газсиз қолиши ҳақида огоҳлантирган.

Унинг айтишича, айти пайтда газнинг йўқлиги нарх-наволарнинг кўтарилишига сабаб бўлмоқда:

- Биздаги автомобилларнинг 80 фоизи газга ўтиб кетган. Газ йўқлиги сабаб, бензинда юрадиган автомобилларнинг кира нархи 500 сўмдан 1000 сўмга чиқиб кетди. Бензин ҳам йўқ, энг паст нархи бир литри 2,5 минг сўм. Кўмирнинг бир тоннаси олиб бориб бериш нархи билан 86 минг сўм қилиб белгиланган эди. Бироқ ундай нархда ҳозир кўмир йўқ. Қўлда сотилаётган ҳар тонна кўмирнинг нархи 400 минг сўмдан 600 минг сўмгача чиқиб кетди,- дейди Жаҳонгир Қосимов.

Ўзбекистон халқ ҳаракати муассислар мажлиси аъзоси Исмоил Дадажонов билан суҳбат

- Исмоил ака, ҳаракат тарқалиб кетаяпти, яъни Ўзбекистон халқ ҳаракати заифлашмоқда, деган сўзлар тарқалмоқда. Шу фикрларга қандай қарайсиз?

- Мана бугун ҳаракат фаолиятининг ярим йиллик ҳулосасини чиқармоқдамиз. Йиғилишда ЎХХ муассислар мажлиси аъзолари ва баъзи бир бўлимлар бошлиқлари катнашмоқда. Баъзи бировларнинг Андижон ҳаракати ЎХХдан чиқиб кетиши билан фаолият сусаяди деганларига албатта қўшилмайман. 7-8 ташкилот бош қўшган жойдан бирининг чиқиб кетиши катта салбий таъсирга эга бўлади деб ўйлаш нотўғри. Андижонликларнинг чиқиб кетиши сабаб ЎХХ фаолиятдан қазабланган Ўзбекистон ҳукумати томонидан андижонликларга қарши зулмлар ўтказиши бўлса керак. Қариндош уруғлари, ака-укалари, яқинларини диктатор қазабига дучор этмаслик учун улар сафларимиз ўрни тарк этишди. Амалий фаолиятда кимдир келиши, кимнингдир кетиши табиий ҳол. Бу билан руҳиятимизга ҳам, фаолиятимизга жиддий зарар бўлгани йўқ. Балки бир қанча таниқли сафдошларимиз кетгандир, лекин улар ўрнини янги кучлар олмақда. Ва ЎХХ курашни давом эттирмоқда.

- Истиқболда нималар белгиланмоқда?

- Ҳаракат таркибига яна 3 та ташкилотни қабул қилиш-қилмаслик масаласини кўриб чиқдик. Ҳаракат таркибига кириш учун улардан аризалар бор. Биз уларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, талабларимизга мувофиқ бўлсалар қабуллашни ўйлаяпмиз. Истиқболдаги режамиз - белгилаб олган дастуримиз асосида ишни давом эттириш. Биз бирор лаҳзага бўлсада фаолиятимизни тўхтатганимиз йўқ.

Суҳбатни интернетнинг <http://uzxalqharakati.com/archives/4182> саҳифасида тинглашингиз мумкин.



ЎХХ муассисларининг Стокхольмдаги мажлиси, 2011 йилнинг 26 ноябри

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати муассисларининг 26-27 ноябр кунлари Стокхольмда ўтган мажлисида ЎХХга икки ташкилотни аъзоликка олиш масаласи кўрилди.

Бу ҳақда Озодликка Ўзбекистон Халқ ҳаракати Муассислар мажлиси аъзоси, ташкилотнинг Швеция бўлими раҳбари Муҳаммадсолиҳ Абутов маълум қилди.

Жаноб Абутовга кўра, Муассислар мажлиси Ўзбекистон ичида фаолият юритаётган бир ташкилот (номи хавфсизлик нуктаи назаридан ошкор қилинмади) ва Швециянинг Калмар шаҳрида рўйхатдан ўтган “Ўзбеклар жамияти (диаспораси)”ни ЎХХга аъзоликка қабул қилишга қарор қилган.

Бундан ташқари, мажлисда Ўзбекистон ичида ЎХХнинг ташвиқот

ва тарғибот ишлари миқёсини кенгайтириш, 8 декабр куни ташкилот бўлимлари томонидан Норвегия, Канада, Туркия ва Брюсселда Конституция кунига бағишланган норозилик намоишлари ўтказиш, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг янги бўлимлари очиш ҳақида қарорлар олинган.

Айни пайтда Швеция пойтахтида ҳисобот мажлисига йиғилган ЎХХ муассислари, Муҳаммадсолиҳ Абутовга кўра, ташкилотнинг ярим йиллик фаолиятини қаноатланарли, деб топганлар.

- Хусусан, Гулнора Каримованинг Нью Йоркдаги Модалар ҳафтасига қатнашолмай қолишида ҳам Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Америкадаги бўлими ўтказган намоишларининг ҳам албатта роли бор, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг ҳаммаси

Ўзбек халқига бу Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг ишонарли куч эканлигини билдирди, деб ўйлаймиз, - дейди Муҳаммадсолиҳ Абутов.

8 декабр куни Европанинг бир қанча мамлакатлари ва Канадада ўтказилишимўлжалланаётган намоишлар ҳақида гапирар экан, Абутов бу акциялардан мақсад Ўзбекистон Республикасида конституция амалда қўлланилмаётганлигидан, унинг оёқости бўлаётганлигидан халқаро жамоатчиликни огоҳ қилиш эканини кўшимча қилди.

Ярим йил муқаддам Европада асос солинган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати айни пайтда ўз сафида расмий Тошкент режимига муҳолиф қарашдаги олти ташкилотни бирлаштирган. Ҳаракатнинг яна бир аъзоси - “Анджон - Адолат ва Тикланиш” ташкилоти шу йилнинг 17 ноябр куни ЎХХ таркибидан чиққанини эълон қилган.

ozodlik.org

26 ноябрь 2011 йил, Стокгольм

Ярим йил якунлари

ЎХХ ташкил топганига ярим йил бўлди. Бу қисқа муддат ичида ҳаракатга нисбатан Ўзбекистон ичида ва ташқарисидаги вағандошларимиз орасида фавқулодда катта қизиқиш уйғонди. Бундан даҳшатга тушган Ислом Каримов ражими Ҳаракатни парчалаш учун бор имконияти билан ишга тушди. Ва аъзоларимизга ва уларнинг яқинларига шантаж, таҳдид каби жирканч услублар билан орамиздан битта ташкилотни юлиб олишга эришди ҳам. Аммо, бу бизнинг йўлимизнинг тўғрилигига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

ЎХХнинг халқимиз ичидаги таъсирини нафақат дўстларимиз, балки ҳукумат тарафдорлари ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, ҳукуматнинг таниқли лаганбардорларидан бири ўзининг президент Каримовга мактубида шундай деб

ёзади:

“Сўнги вақтларда ёшларимиз орасида айниқса талабалар орасида турли оқимларга кириб кетаётган ёки Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ғоялари таъсирига тушиб қолаётганлар ҳақида тез тез эшитиб келмоқдамиз.

Сўнги маълумотларга кўра Ўзбекистонлик ёшлар иш ахтариб бораётган деярли барча давлатларда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ўз “ваколатхоналарини” очиб одам ёлламоқда экан. Мисол учун Россияда ҳозирда улар ўз “идораларини” очиб ўша ердаги Ўзбекистонлик мардикорлар орасида кенг “иш олиб” борилмоқда. У ердаги ёшларимизга Ўзбекистоннинг ўзида, порлоқ келажак “ваъда қилишмоқда. Улар Интернет орқали ҳам ҳозир Ўзбекистонда мавжуд салбий ҳолатларни рўқач қилиб ёшларимизни ўз ғояларига эргаштиришмоқчи бўлмоқдалар”

Бу гаплар ЎХХни фаолиятига ракиблар томонидан берилган энг ижобий баҳо ҳисобланади.

Ҳаракатнинг бугунги ўтган мажлиси куйидаги қарорларни қабул қилди.

1. ЎХХнинг ярим йил давомида кўрсатган фаолияти қаноатланарли, деб топилсин.

2. Ўзбекистон ичида ЎХХнинг ташвиқот ва тарғибот ишларининг миқёси кенгайтирилсин.

3. Ҳаракатга янги ташкилотлар қабул қилинсин. (Аризалари олинган иккита ташкилот ҳаракат сафига қабул қилинадиган бўлди).

4. 8 декабр куни ЎХХ бўлимлари томонидан Норвегия, Канада, Туркия ва Брюсселда Ўзбекистон Республикаси Конституция кунига бағишланган норозилик намоишлари ўтказилсин.

5. ЎХХнинг янги бўлимлари очилсин.

6. Кейинги Муассислар Мажлиси уч ойдан кейин ўтказилсин.

ЎХХ Муассислар Мажлиси.

Художник В.Ахунов о запретных темах в искусстве Узбекистана

”Под запретом находятся темы, которые связаны с политикой и социальными условиями в стране. Такие работы отвергаются же сразу и до выставочного зала не доходят. Чиновники боятся за свои места, а работники искусства боятся репрессий.

Если власть берет на себя еще роль цензора и указывает художникам что делать, то это плохо. Это не их дело, что снимает, к примеру, фотограф и что он выставляет. Нравится ему по-мойка, пускай снимает. Это вопрос его видения. А другой художник снимает достижения и героев Узбекистана, лучших доярок, хлопкоробов, осемениителей. Но какое имеет право власть цензурировать искусство! Если, например, сегодня заткнули рот фотографу Умиде Ахмедовой, завтра начнут затыкать роль всем повально. В стране остались последние бойцы, которые хотят показать тот мир, который они видят. Почему они должны смотреть на мир через очки власти?” – говорит Вячеслав Ахунов.

”Было на самом деле такое собрание для работников культуры, где представитель службы национальной безопасности предупредил деятелей культуры о том, что мол, им известно все о каждом и не стоит даже пытаться что-то предпринимать, связанное с религиозной тематикой. С другой стороны в школах с детьми провели беседы, их предупредили, что, если кто-нибудь из них пойдет в мечеть, будут наказаны их родители, а также предупреждали о том, чтобы девочки не носили хиджаб.

Эта кампания от бессилия. Дело в том, что власть не может противопоставить этому никакую идеологическую модель, которая могла бы быть интересней религиозной. Но у людей на фоне обнищания общества остается одно утешение – обращаться к религии. И процесс будет только усиливаться. А все потому, что власть не

имеет умных, креативных людей, которые могли бы выработать какие-то интересные идеи. А президент озабочен сохранением власти. Потому что, если он потеряет власть, плохо будет его семье, его дочерям, его окружению. Снова начнется борьба за власть, за кормушку, за деньги.

Поэтому борьба с религией входит в программу борьбы за власть, за сохранение своего кресла”- считает художник.

”Когда мы встречались с моим старым другом Мухаммадом Салихом, мы говорили о том, что невозможно развитие государства, если не будет свежего ветра, если государство не будет проветриваться. Мы имели в виду политическое проветривание. А это значит, смена власти. Отсидел 4 года и до свидания. Проиграл выборы, оставь место. У нас нет незаменимых людей и у нас нет гениев, без которых бы мы не обошлись. 20 с лишним лет одно и то же. Почему народ инертен и почему народ не может или не хочет выразить свое отношение к этому? Почему общество полностью погрязло в коррупции?

Мы не найдем ни одного жителя страны, который бы не давал или не брал взятки. Национальной идеей стали деньги и взятки, вот к чему привела эта власть. Люди должны понять, что дальше нельзя так жить. Чем чаще будут выбираться руководители, тем прозрачнее будет власть. Должно быть много партий, но они не должны быть игрушечными. Или, например, создают профсоюзы. Какие профсоюзы, если промышленности нет! У нас есть



”гламурно-отверточные” заводы, где продукцию собирают из частей. Но это же сфера обслуживания, а не промышленность. У нас нет пролетариата, у нас крестьяне доведены до уровня рабов. Их можно бить, заставлять их сажать, что они сажать не хотят. Конечно, какая там многопартийность на этом фоне! Но сделать проветривание рано или поздно необходимо! Нужны изменения. Эти вопросы мы с ним и обсуждали” – рассказывает Ахунов.

”Наше государство напоминает болото, где все заросло тинной и протухло. И болото надо осушать. Такая обстановка и порождает исламистов. Власти толкают людей к запретным действиям. Их власть поставила в такие условия, что они не могут по-другому выразить свое возмущение. Они записываются во всякие секты и тоталитарные общества. То есть, один тоталитаризм хотят выбить другим тоталитаризмом. Отсюда и исламизация общества.

С одной стороны светская “исламизация” общества по имени президента. С другой стороны исламизация религиозная. И та “исламизация” опасна, и другая! И они, в конце концов, столкнутся, и это будет смертный бой. Должен быть противовес религии, должны быть противовесы и авторитарной власти и судебной власти в виде тех же СМИ. Но сейчас этого вообще ничего нет. Будем говорить, есть ханство, как хан сказал, так и будет. То есть, мы вернулись в прошлое” – поделился своим мнением в интервью в программе “Позиция. Без цензуры” художник Вячеслав Ахунов.

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

“Албатта, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур. Агар улар қулайдиган бўлсалар, Ундан ўзга ҳеч ким уларни ушлаб тура олмас. Албатта, У ўта ҳалим ва ўта мағфиратли бўлган зотдир” (Фотир сураси 41)

“Тепаларида (қанотларини) ёйиб ва йиғаётган қушни кўрмайдиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб турувчи йўқ. Албатта, У барча нарсани кўрувчидир. (Мулк сураси 19)

Қуръони Каримнинг ушбу оятлари ҳам ер юзидаги жонли ва жонсиз барча нарсаларнинг Аллоҳ таоло ҳукмига кўра мавжуд бўлишига очиқ-ойдин далилдир. Худди шундай далилларни қушларнинг ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин. Кузатувчилар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кетаётган баъзи қуш тўдаларининг лотин ёзувидаги “V” шаклида учишларига эътибор қаратганлар. Бунинг сабабини ўрганган мутахассислар куйидаги натижаларни қўлга киритганлар:

1-) “V” шаклида учаётган қушларнинг ҳар бири қанот қокқанда орқадан учаётган қушни ҳавода тутадиган ҳаво оқими майдонга келтирар экан. Бу шаклда “V” шаклида учадиган қушлар қанот қоқишлари натижасида ўртага



ҚУШЛАР БИЗГА ЎРНАК БЎЛСИН...

чикқан ҳаво оқимидан фойдаланиб, учиш масофаларини 70% га қадар узайтирар эканлар. Яъни, ҳар бир қуш ёлғиз учганда борадиган масофа бундай ҳамкорлик натижасида деярли икки марта узяр экан. Қушларнинг бундай ҳамкорлигидан инсонлар ўзлари учун шундай натижа чиқаришлари мумкин: Бир мақсад атрофида бирлашган ва бу йўлда ҳамкорлик қиладиган инсонлар ўз мақсадларига ёлғиз бошларига ҳаракат қиладиган инсонларга қараганда тезроқ ва қулай эришишлари мумкин.

2-) Бир қуш “V” доирасидан чиқадиган бўлса, унинг учиши қийинлашиб кетади. Чунки бошқа қушларнинг қанот

қоқиши натижасида пайдо бўлган ҳаво оқимидан фойдалана олмайди. Шунинг учун ҳам бу қуш ўз жамоатига қайтиб келади ва йўлга ҳамма билан бирга давом этади. Демак, ақллари энг камида бир ғоз ақлича бўлган инсонлар айни

мақсад йўлида ҳаракат қиладиганлар билан ўз тажрибаларини ва кучларини ўзаро ҳамкорлик йўлида сарфлашлари керак бўлади.

3-) “V” доирасининг бошида учаётган қуш бошқа қушларнинг қанот қоқиши натижасида пайдо бўлган фойдали ҳаво оқимидан фойдалана олмайди. Шунинг учун ҳам бу қуш бошқа қушларга қараганда тезроқ чарчайди. “Раҳбар” қуш чарчаши билан орқа сафларга ўтади ва унинг орқасидан учаётган қуш раҳбарликни ўз қўлига олади. Бу ўзгариш давомли равишда содир бўлади ва бу шаклда бутун қушлар ўз “жамоатларининг” бутун ўринларида навбатманавбат жой оладилар. Демак, инсонлар ҳам вақти ва замони келганда ўз вазифаларини



бошқа инсонларга беришлари керак бўлади....

4-) Учиш тезлиги камайганда орқада учаётган кушлар олдинда учаётган кушларни бақириб огохлантирадилар. Демак, инсонлар ҳам ўз ишларининг ва ҳаракатларининг тараққий қилишлари учун бошқа инсонларнинг танқидларига муҳтождирлар. Бундай ижобий танқид жаҳлимизни чиқармаслиги, аксинча севинч ва хайрихоҳлик билан қабул қилиниши керак бўлади.

5-) Тўдадаги бир куш хасталанса ёки овчилар тарафидан нишонга олиниб учолмайдиган даражага тушса, яраланган кушга ёрдам бериш учун икки куш тўдадан айрилади. Бу икки куш ярали куш қайта учадиган ҳолга келгунча ёки ўлгунча ундан айрилмайдилар. Шундан кейин ҳавога кўтарилиб, янги куш тўдасига бориб қўшиладилар. Ҳеч бир куш тўдаси ўзларига бу шаклда қўшилишни истоган кушларни рад қилмайди... Яъни, инсонийлик нафақат инсонларга оид бўлган сифатдир...

Субҳаналлоҳ, Субҳаналлоҳ! Аллоҳ таоло ҳеч бир нарса ни бекорга, яъни мақсадсиз яратгани йўқ ва ҳеч бир ишни маъносиз қилгани йўқ. Қизиғи шундаки, инсонлар махлуқотнинг мукаммали ва мукаррами ҳисоблангани ҳолда, улар баъзан биз ақлсиз ва юраксиз ҳисоблайдиган бошқа жонзотлар эришган “тараккиёт”га эриша олмайдилар.

Бизнинг кўзимизга ҳайвон бўлиб кўринган ғозларнинг ўзаро ҳамкорлиги нақадар ибратлидир. Аммо қалб ва ақл соҳиби бўлган биз инсонларда баъзан шу кушларнинг ўзаро ҳамкорлиги топилмайди. Бунинг сабаби албатта бордир. Аллоҳ таоло ҳақиқатан ҳам инсонларга имонли бўлиш учун қалб, фикр соҳиби бўлиш учун ақл это этган. Аммо шу билан бирга инсонларга бошқа жонзотларга берилмаган бир душман ҳам берилган. Бу душман қалбларни қора қиладиган ва уларни тошга айлантирадиган, ақлларни ўтмас, оддий ҳақиқатларни ҳам тушуна олмайдиган даражада тубанлаштирадиган шайтони рожиимдир (Аллоҳ таолонинг раҳматидан қувилган шайтондир).

“Мен сизларга: «Эй одам болалари, шайтонга ибодат қилманг, албатта, у сизга очик-ойдин душмандир. Ва Менга ибодат қилинг, мана шу тўғри йўлдир», деб амр қилмаган эдимми?! Батаҳқиқ, у сизлардан кўпчилик авлодни адаштирди. Ақл юритувчи бўлмаган эдингизми?! «(Шайтон сизлардан кўп авлодларни тўғри йўлдан адаштирди, сиз ақл юритмадингизми? У юр деса, орқасидан кетавердингизми?!) (Йасин сураси 60-62)

Инсон учун энг муҳим нарса аввало мана шу душманининг тузоғига тушмасдан ҳаёт кечиришидир:

“У (Шайтон): «Мени

иғвога учирганинг сабабли, албатта, мен уларни Тўғри йўлингда тўсиб ўтираман». Сўнгра уларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмасан», деди” (Аъроф сураси 16-17)

Яъни, шайтон инсонларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан тузоқ қуради ва уларни тўғри йўлдан адаштириб, ўзининг ёмонлик ва зулм йўлига бошлайди. Шу тарзда ишига шайтон ҳийлалари аралашган инсонларнинг ҳайвонларданда тубан аҳволга тушиб қолиши эҳтимоли ўртага чиқади...

Бу айтилганларнинг хулосаси шундан иборатдир: Инсон фақат саҳиҳ имони ва соғлом ақли билан ҳақиқий маънода инсон даражасига кўтарилади. Аллоҳ таоло коинотдаги бутун жонли ва жонсиз нарсаларни инсоннинг манфаатини учун яратгандир. Инсонларни ва жинларни эса фақат ва фақат Ўзига бандалик қилиши учун яратган. Инсонларга аввал бошдан уларнинг азалий душмани бўлган шайтонга эргашимаслик танбеҳ қилинган. Шу билан бирга коинотдаги бутун нарсаларда ва жарайонларда инсонлар учун чиройли ва ибратли ўрнаклар бордир....

**Намоз Нормўмин
ЎХХ матбуот бўлими
координатори.
Қисқартириб босилди.**

Тарихга назар

Бундан 20 йиллар аввал ёшларни кўча намоёнларида қатнашишга қандай омиллар ундаган эди, уларнинг савияси, ўй-фикрлари, уларни ҳаракатга келтирган зоялар нималардан иборат эди?

Шу ва шу каби саволларга тўлиқ жавоб топиш учун ўша даврга ҳаёлан қайтиб, ёшларнинг руҳиятига кириб кўришга тўғри келган бўлур эди. Афсуски бунинг имкони йўқ, чунки вақтни, умрни орқага қайтариб бўлмайди.

Шу боис мен фақат ўзимнинг хотираларимни, ўзимнинг кечинмаларимни ёзишга қарор қилдим. Балки бунинг ҳозирги сиёсий ҳарактларимиз учун ҳам фойдаси тегиб қолар. Мен эллика яқинлашиб қолдим, биз қариямиз. Орқадан ёшлар келмоқдалар. Мен бундан 20-30 йиллар аввалги одам эмасман ҳозир, у пайтлар мени ҳаяжонга солган нарсалар бугун мени ҳаяжонга солмайди. Агар мен ёзаётган ушбу мақола “Ёшларни нима ҳаяжонга солади ўзи, ёшларни нималар ҳаракатга келтиради, уларга ватанпарварликни, миллатчиликни қандай сингдириш мумкин?” каби саволларга озми-кўпми даражада жавоб бера олса, ўз вазифасини адо этган бўлади.

Мен ўз хотираларим ва мулоҳазаларимни “Сиёсат ва адабиёт” деган сарлавҳа остида беришга қарор қилдим. Бу – биринчи мақола. Кейинчалик иккинчи, учинчи, ... мақолалар ёзаман, бу борадаги фикрларим тугагунча ёзаман.

Ўзбекистон мустақиллик эълон қилганидан ке-йин кўп ўтмай, муҳолифатчилар, айнан юрт озодлиги ғоясини СССР пайтидаёқ тарғиб қилиб келган одамлар таъкиб этила бошладилар. ЭРКчилар, БИРЛИКчилар ва диний муҳолифат таъқиқланди. Лекин фақат буларгина эмас ахир. Ёзувчи Мамадали Махмудов қамалди ва ҳамон қамокда! Бу ёзувчи бирорта сиёсий партиянинг аъзоси эмас эди! Нега қамалди? Чунки бу ёзувчи СССР пайтидаёқ мустақиллик ғоясини тарғиб қилиб, бизнинг русларга қарамлигимизга ишора қилувчи “Ўлмас қоялар” деган роман ёзганди. Шу боис СССРнинг КГБси (Комитет Государственной Безопасности) рўйхатидаги одам эди.

Шунингдек, СССР пайтида кўшиқлари таъкиб остида бўлган, озодлик куйчиси Дадахон Хасанов таъкиб остига олинди, агар СССР пайтида бу кўшиқчининг овози озми-кўпми эшитилиб турган бўлса, мустақилликдан кейин бу кўшиқчи халқдан мутако изоляция қилинди!

Нега? Эсимда, Горбачевнинг қайта куриш даврида Тошкентдаги олий ўқув юртларида шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар бўларди, талабалар жуда кўп кирарди бу учрашувларга, шоирлар шеърлар ўқишарди. Бир гал, ёзувчилар уюшмасида бўлган шундай учрашувда, танаффус пайтида Дадахон Хасанов кўшиқлар айтган, бари озодлик учун курашга давлат этувчи жуда таъ-

сирчан кўшиқлар эди. Хусусан, уларнинг бирида куйидаги сатрлар бор эди:

Босиб олинган бу юрт,
Кўйни тўла сариқ курт,
Бизларни кўр қилмасму
Оналар берган оқ сут!

Шоирлар ҳам шунга ўхшаш шеърларни ўқишарди. Шоир Муҳаммад Солиҳ эса “Адашганлар кўшиғи” деган ушбу шеърни ўқиганди, кейинчалик бу шеърни баъзи талабалар “Қарғалган миллат кўшиғи” деб ҳам айтиб юришган:

Биз, ахир, ҳеч кимни ўлдирмадикку,
Лекин нега бизнинг қўлларимиз қон -
Гуноҳ куши турар бош узра мангу,
Ёнаётган авлиёдек чирпанар виждон?
Эхтирос қамчиси остида дир-дир
Титраётган туядай, тушов оёқда.
Юришга мажбурмиз, юрмоққа мажбур,
Билмай мағриб қайда, машриқ қаёқда.
Бизни муваққатлик даҳшатга солар,
Дарров зериктириб кўяр мангулик -
Ҳар кимнинг бўғзида узун бир нола,
Ҳар кимнинг кўксида биттадан ўлик.
Ожиз кучли бўлиб, бир марта бошин,
Мардлик кундасига қўймоқни истар.
Кучли ожиз бўлиб, тўкиб кўз ёшин,
Бир марта меҳрга тўймоқни истар.
Лекин осмон узоқ, ер эса қаттиқ,
Бизлардан қарздор эмас бу олам -





Ҳақиқат юзига боқолмаймиз тик,
Аммо истамаймиз бош эгишни ҳам.
Баъзида кўкларга қараймиз ёниб,

Гўё кўкда бордай ерда йўк нарса.
Қани меҳр излаган шўрлик инсонни
Инсон севмаса ҳам, бир худо севса!
Лекин худо севса, бўлиб овора,
Фақат бир одамни севиб ўтирмас -
Ўзига яраша улгуржи севар,

Бутун бир милатни севади у – бас.
Шунингдек, қарғаса малик – явмиддин,
Майдакашлик қилиб юрмайди асло,
Инсонни ажратмас унинг қавмидан,
Бутун бир миллатни қарғар, қарғаса.
Қарғалган миллати ҳўкиздай ишлаб,
Роҳатнинг ўрнига эшитар миннат,
Бор-йўқни дунй пойига ташлаб,
“Ўғри” деб ном олар қарғалган миллат.
Қарғалган миллатнинг келажаги тул,
Дарёлари куриб, чирир ерлари.
Қарғалган миллатнинг болалари – қул,
Аёлари тумсо, бепушт эрлари.
Қарғалган миллатнинг қозиси – фосик,
Олими – савдогар, илм сотиб яшар.
Шоирлари эса ақлдан озиб,
Душмандан мукофот олмоққа шошар...
Қарғиш ҳам ўзига яраша катта,
Тушса, анча жойни қамрар хойнахой -
Тахминан айтганда, Оролнинг сатҳин
Бемалол қоплайди қарғиш тушган жой.
1983-1987.

Йўлдош Эшбекнинг ўқиган шеъри ҳам менга
кучли таъсир этганди ўшанда. Шоир ўз шеърини
киёмига етказиб, жуда ифодали ўқиганди, унда
тахминан қуйидаги сўзлар бор эди:

Энгашиб яшасин булар,
Пахта тердиринг!
Бош кўтарса қиринг!
Буларни қиринг!
Лекин қулликка ҳам қолдиринг!

Шоир Омон Матчон ҳам Франция пойтахти
Парижга бориб келган экан, Париж туркумла-
ри деган шеърлар ёзган экан, бир шеърида тун-
ги Париж тасвирланган, тунги Парижда юрган
одамларнинг аксарияти французлар эмас, бал-
ки чет элликлар эканлигига ишора қилар экан,
Омон Матчон ўша шеърини ушбу сўзларга урғу

бериб яқунлаганди:

Қизиқ-да – ўз халқи уриб уйқуни,
Ўзгалар сайр этса кўчаларида!

Бу билан шоир аслида бизга – ўзбекларга хи-
тоб қилаётганди, уйғонишимизни истаётганди.

Лекин ўша Горбачевнинг қайта қуриш дав-
рида ҳам шоирлар бизга очиқ айта олишмас-
ди, фақат шеър орқали, ташбеҳлар воситаси-
да, “қоғозга ўраб” билдиришарди. Биз шеър ва
мақолаларни фақат учрашувлардан эмас, ўша
пайтларда кўплаб нусхаларда чоп этиладиган
“Ёшлик”, “Ёш куч” каби адабий-бадиий жур-
наллардан ҳам ўқир эдик. Баъзи шоирлар бизни
ҳатто ғазабга минишга ҳам шеърлари орқали
даъват этишарди гўёки. Хусусан, менга тенг-
дош Иқбол Мирзо деган шоир бир шеърда тут
дарахтини тасвирлаган, тут ҳар йили новдалар
чиқариб ўсмоқчи бўлади, лекин новдаларини
кесиб, қуртларга ем қилишади дея тутларга ачи-
нар экан, шоир бу тутларнинг ўзгаришини орзу
қилиб, ўша шеърини қуйидаги сўзлар билан
яқунлаганди:

Тушларимга кирар ҳар бир новдаси
Найзага айланган дарғазаб тутлар!

Шоирнинг шеърда тасвирланган тутлар дои-
мий равишда репрессия қилиниб, ҳар замон-ҳар
замонда кесилиб турган ўзбек халқи эди гўёки!
Бундай шеърлар ўша йиллари ниҳоятда кўп бо-
силган журналлар ва газеталарда.

Муҳаммад Солиҳнинг юқоридаги шеъри-
дан кейин, бошқа шоирлар шеър ўқидилар. Сал
охирроғида Абдулла Орипов чиқиб, “Фурқат ни-
доси” деган шеърини(ғазалини) ўқиди. Бу шеър
ушбу сўзлар билан яқунланганди:

Фурқатингни ёд этарда, ўзбегим, сендан ўтинч -
Бир-бирингга қил мурувват, бир-биринг
бағрингга бос!

Албатта, у пайтлар Абдулла Орипов шоир
сифатида Муҳаммад Солиҳларга қараганда
машҳурроқ эди, лекин биз, мухлислар, шоир-
ёзувчилар орасида ҳам ғоялар кураши кетаётган-
нини билмасдик. Гарчи Фурқат номидан айтил-
ган бўлса ҳам, юқоридаги сатрлар билан Абулла
Орипов аслида атрофида вужудга келаётган ва-
зиятдан нолиётган эди чамаси. Шоирлар ораси-
даги кураш бизга сал кейинроқ маъ-
лум бўлди. Хусусан, Абдулла Орипов





Тарихга назар

ва Муҳаммад Солиҳ орасидаги кураш (бу ўринда ишлатаётганим “кураш” сўзини ўрнига бошқа сўз ишлатганим маъқулмиди, билмадим, лекин бу моҳиятни англашингизга халақит бермайди).

. Муҳаммад Солиҳ ушбу шеърига “Ўлғизлик” деб сарлавҳа қўйганди:

Нақадар ваҳимали ўлғизсан – тоқсан,
Ҳасани ўлган бир Ҳусан каби.

На ёрсан, на дўстсан, на-да ўртоқсан,
Тиксан – илмоғи йўқ бир сони каби.

Боғларга кирасан, аммо улардан
Ўзинг яратгандай хайратланмайсан.

Шу қадар ўлғизсан, ҳатто сувларда
Акс этмайдирсан – сувратланмайсан.

Сен Худо эмассан, лекин ҳаммага
Тенг қарай оласан ошкор ва гизли -

Сен Худо эмассан, шунга қарамай,
Сенга ярашар бу ўлғизлик!

Шунингдек, Абдулла Ориповнинг узун бир шеърида
Мен гумроҳчи, бўлиб овора,

Авлодларга ёзаман мактуб.

деган сатрлар бўлса, Муҳаммад Солиҳнинг
бир шеърида эса

Сизга ўргатмоқчи эмасман ақл,
Авлодлар, чўчиманг, бу – мактуб эмас,

Шунча йил олган хат-саводим ҳаққи,
Бир зум ёзувимга бош эгсангиз бас.

деган сатрлар бор.

Бу шеър тинмай «Авлодларга мактуб» ёзди-
ган баландпарвоз шоирларга, биринчи навбатда,
А.Ориповга киноядан бошқа нарса эмас эди, ал-
батта.

Абдулла Ориповнинг “Бургут” деган шеъ-
ри бор, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам “Бургут” де-
ган шеъри бор. Ҳатто сарлавҳалари бир хил
бўлмаган шеърларини синчиклаб ўқисангиз ҳам,
бу икки шоир орасида анчайин жиддий ғоялар
кураши кўрасиз. Мен кейинги мақолаларимда бу
ҳақда батафсил ёзажакман, қизиқсангиз, кузатиб
боринг. Бу икки шоир орасидаги курашнинг та-
лай қирралари балки менга ҳам ноаёндин, унинг
кўпроқ қисми балки адабиётшуносларга ва бошқа
шу каби адабиётга профессионал нуктаи назар-
дан жуда яқинроқ бўлган қавмга маълумдир. Мен

ўзим билганларнигина ёзмоқдаман.

Абдулла Орипов, шубҳасиз, шоир сифатида
катта маҳорат соҳибидир. Унинг талай шеърла-
рида ўзбекларнинг русларга қарам эканлигидан
норозилик оҳанглари, гарчи ошкор бўлмаса-
да, пардаланган шаклда СССРда бошланган
қайта куриш давридан илгарироқ ҳам мавжуд
эди. Шоир шеърни шундай ёзар эдики, агар уни
рус тилига таржима қилсангиз ўша норозилик
йўқолиб кетарди, бу нозик ишора ва кинояларни
фақат ўзбек ёки ўзбек тилини жуда яхши бил-
ган одамгина тушуниши, англаши мумкин эди.
Масалан, “Совға” деган шеъри сарлавҳасининг
тагига шоир қавс ичида “Бухоро газининг Мо-
сквага етиб бориши муносабати билан” деб ёзиб
қўйган. Шеърда “менинг Саша дўстим” деганида
эса рус шоири Пушкинни кўзда тутди шоири-
миз. Мана ўша шеърдан лавҳалар:

Қани, қўлингни бер, эй қардош диёр,
Ўзбек йигитининг қайноқ қафти бу.

Бу кунги совғанинг ўзга номи бор,
Заҳматкаш юртимнинг юрак тафти бу...

Бу оташ тоблайти дўстликни фақат,
Бу оташ орттитар иқболнинг кучин.

Бу оташ тафтида ҳурмат ва ҳиммат
Табаррук Лениннинг даҳоси учун...


Юртим ташвишлари тушиб елкамдан
Агар Россияга бошласа ҳавас,

Менинг Саша дўстим, сенга ўлкамдан
Тагин совға билан боражакман, бас.

Бу шеърдаги “Газ деган, дўстларим, нима
бўлибди...” сатри билан бошланган саккиз-
та сатрдаги ишора ва киноядан ўзбек ўқувчиси
газни ўзбеклар текинга бераётганини сезиши
мумкин эди. Лекин ҳамма эмас, фақат адабиётга
жуда яқин бўлган “нозик” ўқувчи: шеърятнинг
ашадий мухлиси. Оддий ўқувчи бунини шеърнинг
сўнггидаги Россия, Ленин, Лермонтов, Саша де-
ган атамаларга жуда самимий битилган олқишлар
боис сезмаслиги деярли аниқ эди. Натижада шо-
ирнинг бу шеърни ёзишдан кўзда тутган мақсади
– ўзбек халқини уйғотиш мақсади натижасиз
қолиб кетаверарди.

А. Б. Эржилосуннинг “Гулнор” романи ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда

Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайти ўз саҳифаларида таниқли турк тилшуноси Профессор Аҳмад Бейжон Эржилосуннинг “Гулнор” романини ўзбек тилида чоп этмоқда. Роман 1997 йилда Истанбулда “Ötüken” нашриётида турк тилида босилди. Айти пайтда бу романининг ўзбекча таржимаси Туркиянинг Коня шаҳридаги “Kömen” нашриётида чоп этишга тайёрланмоқда.



Роман муаллифи турк дунёсида номи чиққан олимдир. У Совет Иттифоқида бошланган қайта қуришнинг илк йилларида Ўрта Осиё турклари билан маданий алоқалар ўрнатиш учун жонбозлик кўрсатган илк турк мунавварларидан бири.

Бу асар, сўнгги юз йилда Туркия турклари томонидан Ўрта Осиё ҳақида ёзилган ягона асар десак, муболағабўлмайди. Туркия турклари ва Ўрта Осиё турклари бир-биридан шу қадар узоклашгандилар.

Романининг марказий қахрамони ёш олим Ўғуз турк қавмларининг бирлиги идеалининг тимсолидир. Тўғрироғи, ўз тарихини янгидан таниб, том маънода уйғона бошлаган турк йигитининг КГБ ходимаси

бўлган ўрта осиелик қизга уйланиб, Туркистонни ва Ғарбий турклар (Туркияни)ни бирлаштириш учун биринчи амалий ишни бошлайди гўё. Унинг Олтойга қилган сафари ҳикояси нафақат Туркия турклари учун, балки Ўрта Осиё турклари – ўзбеклар, козоқлар, кирғизлар, туркманлар учун ҳам ибратли ҳикоядир. Чунки, ўз тарихини англашда кечикиш Туркия турклари каби Ўрта Осиё қавмларига ҳам тааллуқли камчиликдир.

Романдаги воқеалар 1986 йилдан 2000 йилгача бўлган вақт орасида юз беради. Романда тасвирланган персонажлардан аксариятининг прототиpleri бор.

Масалан, романдаги профес-

сор Эрйигит – роман муаллифининг ўзи. Бошқа тўқима исм билан аталган олимлардан бири Турғут Дениз – ҳаётда профессор Дурсун Йилдиримдир. Тошкент саёҳатида тасвирланган персонажлардан “Асан Али” – крим татар ёзувчиси раҳматли Айдар Усмон бўлса, “Камол Эркин” – Рауф Парфидир. “Меҳмет Маъруф” эса Мамадали Маҳмуддир. Шунингдек, романда шоир Муҳаммад Солиҳ ҳам бор. У “Анвар Мурот” исми остида тасвирланади.

Асарни турк тилидан ўзбекчага Ўзбекистон халқ ҳаракати фаоли Пирмуҳаммад Холмуҳаммад таржима қилган.

“Фаргона”.

Аҳмад ЭРЖИЛОСУН

Ўғуз хўжаларининг ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлади, уларнинг бир-бирига яқинлик даражаларини ўлчаб кўришга ҳаракат қилди. Комил хўжа, Ўрхон Нодий ва Сомий Ошкин Истанбулдан бўлиб, бир бўлимда ишлардилар. Ойша Қилич, Тарик Тўра ва Маҳмат Эрйигит анқаралик эдилар. Сўнар хўжа эса Элазик ёки қайсаридан эди. Аммо хўжаларнинг бир-бирига яқинлиги улар яшаган ерга боғлиқ эмасди. Ўрхон Нодий билан Сўнар Ойдамир бир-бирига анча яқин эдилар. Кўп гаплашмасида, Эрйигит хўжа ҳам уларга яқинлиги сезилиб турарди. Уларнинг ёшлари ҳам яқин эди зотан. Ойша хоним уларнинг ҳаммасига бир хил узок ва бир хил-

да яқин эди. Ҳамма хонимхўжани каттиқ ҳурмат қилар, аммо бу уларнинг олима хотин билан самимиятига халакит бермасди.

Тарик Тўра ҳеч ким билан гаплашмасди. Худди бу гуруҳда эканига пуншаймон эди ёки бу гуруҳдагиларни менсимаслик бор

Гулнор

Романдан парча

эди унда.

Ўғуз бу ҳақда ўйларкан, одамлар учоқнинг чиқиш эшигига қараб йўналди. Зинапояга илк қадам ташлаган Сўнар хўжа эди. У чуқур нафас олиб “ох!”, деб юборди. Эрйигит хўжа Ойша хонимга зинапоядан тушаркан ёрдамлашган бўлди. Сал

нарида ҳайъатни кутаётган бир гуруҳ киши турарди. Баъзиларининг қўлида гул бор эди. Миллий кийим кийган иккита қиз юмалоқ нонни кўтариб туришарди. Бир ёш йигит кўтариб турган картон қоғозда “Халқаро Туркология Конференцияси”, деб ёзилганди. Ўрхон Нодий олдинга чикиб:

– Бу ёқдамиз, дўстлар!, – деди кўтаётганларга хитобан ва кутаётганлардан ўрта ёшдаги биттасининг қўлини

сикиб, ўзини таништирди. Кейин бошқа биттасига ўгирилди:

–Ў-ў, Абдурахмонов, бу ерда ҳам кўришмоқ бор экан тақдиримизда, – дея Абдурахмоновни кучоқлади. Кейин ўз вазифасини эслаб, турк ҳайъатидаги олимларни ўзбек мезбонларга битта-битта таништир-



ди. Ўша юмалоқ нондан бир парча синдириб, тузга ботирди ва оғзига отди:

– Шукри Элчин хўжанинг “туз-эмак ҳаққи” номли мақоласи эсингизда борми? – деди у ва ҳар кимнинг қўлидан ушлаб, нондан синдиришга ундади. Айни пайтда ўзбекларга Элчин хўжанинг ўша мақоласини тушунтира бошлади.

Ўзбеклар гулларни профессор Ойша Қиличдан бошлаб, ҳаммага улашиб чикди.

Ўғуз Думан профессор Эрйигит хўжани зимдан кузатиб турарди. Хўжанинг кўзлари намлангандай туюлди унга. Маҳмат Эрйигит хўжа атрофига бир ҳасрат билан боқарди.

Сўнар хўжа ердан бир чечак топди ва сумкасига қўйди.

Ҳамма автобусга минди. 25 ёшлардаги 5-6 тайигит-қизавтобуснинг олдинги ўриндиқларига ўтириб, меҳмонларга “йўл кўрсатувчи” бўлажакларини айтишди, аспирант эканлар. Улардан бири инглиз тилида йўлдаги бино ва бошқа нарсалар ҳақида билги бера бошлаганди, Сўнар Ойдамир:

– Ўзбекча гапир, биз англаймиз, – деб уни огоҳлантирди.

Йўл кўрсатувчи оғир-оғир ўзбекча гапириб, тушунтира бошлади.

Ўғуз Думаннинг кўзи Тариқ Тўрага тушди. Бу одам Ойдамирнинг даққисидан мамнун бўлмаганди.

Бирдан Комил хўжанинг овози эшитилди:

– Бизнинг Ўрхон қаерда, кўрган борми оғайнилар?

– Сен ташвишланма, у ишнинг кўзини билади. Аллақачон президентнинг аравасига минган бўлса ажаб эмас, – деди профессор Ошқин.

“Ўзбекистон” меҳмонхонаси кенг майдонга қараган, худди бу майдонни қучоқлаётгандай, ярим доира шаклида бино этилганди. Меҳмонхонага олдинроқ келган Ўрхон Нодий турк хайъатини қаршилаб:

– Қабул учун бу картларни тўлдиришлар. Ҳаммангизнинг жойингиз

маълум. Ўғуз, сен Комил хўжа билан бир хонада яшайдиган бўлдинг.

Сўнар Ойдамир эътироз билдиргандай бўлди:

– Ўғлим, яна хукм қила бошладинг. Бу ерда Ойшахоним хўжа борлар, хайъатимизнинг бошлиғи у эмасми?

– Зарари йўқ, Сўнар. Ўрхон менга ёрдам берапти, – деди Ойшахоним.

– Менга қара, ўғлим, – дея Сўнарга хитоб қилди Ўрхон Нодий, – бизни кутганларга ўзимни қандай таништирдим биласанми? Мен се-кретарман, дедим. Бу ерларда “секретар” десанг, бас, сени хайъат бошлиғи деб ўйлашади.

Ўғуз хўжаларнинг ҳазилми чинми гаплашаётганини бирдан англай олмай турарди. У меҳмонхона картини тўлдирар экан, бир ўзбек кизи унга яқинлашди:

– Мен сизга ёрдамчи бўламан, – деди у, – отим Гулнор Қунбоева.

– Мамнун бўлдим, менинг отим Ўғуз Думан.

Гулнор Ўғузнинг картини олиб, тўлдирар бошлади. Ора-сира Ўғузга саволлар бериб, тез ишини битирди. Унинг қўл ёзуви тез, аммо гапириши сокин ва оҳиста эди.

Ўғуз ўзбек акцентини илк бор эшитаётганди. Узун ва юмалоқ “о”лар дарров диққатини тортди. Яхшиямки, ўзбекчада юмалоқ “О”лар бор экан, бўлмаса Гулнорнинг дудоқлари бу қадар оҳангли шакл ололмасди. “Гулнор” ва “Кунбой” деркан, унинг дудоқлари юмалоқ бир шаклга кирганди. Ўғуз айни пайтда қизнинг кўзлари яшил эканини фарқ қилди. Ва оқ юзни гулчамбар каби ўраган қора сочлар. Бўйи ҳам кичик эмасди. Эгнидаги атлас қўйлак Гулнорга дуркун бир кўриниш бағишлаганди. Тўғриси, Ўғуз учун бу илк ўзбек чехраси хийла гўзал эди. Уларга ажратилган хонага Комил Хўжа билан бирга киришди.

– Эҳ, Ўғуз бу фурсат ҳар туркка ҳам насиб бўлавермайди. Навоийнинг мамлакатадамиз, биз меҳмонхонадамиз. Балконга чиқай-

лик-да, шу яшилликни бир томоша қилайлик.

Ўғуз Комил Арслоннинг Навоий асарлари устида ишлаганини хотирлади.

– Тўғри, хўжам, гўзал ва яшил ўлка, деди Ўғуз.

Балконга чиқаркан, эшик устидаги лавҳа-ёзув диққатини жалб қилди.

– Бу ёзув учоқда кўрганамиз ёзув эмасми, хўжам? – деди Ўғуз.

Ҳа, лавҳада “не курить” деб ёзилганди. Комил хўжа бу тақиқловчи сўзларни яхши ўрганиб олганди.

– Не курит, не курит, етар-ей! – дея бакирди.

Комил хўжа чўнтагидан сигарет чиқариб, чакмоғини чакди. Лекин хонада қолмай, балконга чиқди.

Ўғуз ҳам балконга чиқди, икковлон нигоҳларини яшил дарахтлар қўйнига отдилар.

Биоларнинг ораларида бўшлик кўп эди бу шаҳарда. Катта майдонлар ва кенг йўллар биоларни бир-бирдан узоқлаштирганди. Меҳмонхонанинг олд қисми катта майдон эди. орқасида эса кенг яшиллик майдони мавжуд эди. Ўнг ва сўлдан ўтган йўллар анча кенг эди. Яшиллик Ўғузга бир оз аввал кўрсатган қизнинг кўзларини эслатди. Яна Гулнорнинг атлас қўйлаги-ю қоп-қора сочларини ҳам хотирлади. “О”ларни нақадар юмалоқ ва оҳангли сўйларди у қиз!

– Қани, Ўғуз, пастга тушайлик, – деди Комил хўжа, – программани билайлик-чи.

Бирга пастга тушдилар.

Меҳмонхонанинг фойесиди Ўрхон Нодий билан Сўнар Хўжа кулишиб суҳбатлашаётгандилар. Профессор Эрйигит билан Сомий Ошқин хўжа уларни тинглаб, жим туришарди.

– Тариқ Тўрага эътибор бердингми? – деди Сўнар хўжа, – бу олатасирдан завқланганга ўхшайди.

– Қанақа ола-тасир? – деди Арслон хўжа.

– Боя Маҳмат хонасини ўзгартирмакчийди, маъмурлар ҳар хил баҳоналар билан қарши чикдилар.



Махмат “порасини тўладик!”, бақирди. Ўзбек маъмурлар кулишди. Чунки пора (туркчада – пул) ўзбекчада рушват маъносини билдирадди.

Ўрхон Нодий бир ўзбек маъмури билан келди, кўлида эртанги кун тартиби бор эди.

– Конференция эртага соат 9 да бошланади. Соат тўққиз яримда Ленин ҳайкалига гулчамбар қўйилади. 10 да салонларда семинарлар бошланади. Бугун, биз оз сўнгра меҳмонхона ресторанида тушлик емаги еймиз. Емакдан кейин ҳаммамиз йўл кўрсатувчилар билан Ленин музейига борамиз. Кечкурун коктейл бор.

Ўрхон Нодий “Ленин” сўзига махсус урғу бериб сўйлар, гўё “йиллардир Ленинни сўқдингиз, энди унинг пойига бир бош эгиб турингчи, кўрайлик”, деяётгандай эди.

Сўнар Ойдамар ва Махмат Эрйигит бу маънадор сўзларни тингларкан, мийиғида кулиб қўйишди.

Ойша хўжа хоним:

– Ажабо, емаккача ташқарида айланиб келсак бўлмасмикин?, – деди.

Ҳамма бирданига:

– Тўғри, бир айланиб келайлик! – дейишди.

Автобусда бирга келган ёшлар уларнинг ёнига келиб:

– Биз сизларга ёрдамчи бўлайликми? – дейишди.

Ҳаммаси бирга ташқарига чиқдилар. Метро бекати меҳмонхонанинг ўнг тарафида, булварнинг бошланишида эди...

Гулнор Ўғузнинг ёнида, унга шаҳар ҳақида билги бериб, одим отарди.

У емак пайтида ҳам Ўғузнинг ёнида ўтирди.

Емакдан сўнгра соат 3 да учрашишга келишиб, тарқалдилар.

Осмонда мингларча қалдирғоч учарди. Санчкидай қуйруқлар бири-бирининг ёнидан катта тезликда учса ҳам бир-бирига ҳеч тегмасди. Бирдан бу кушлар қоп-қора булутлар каби Гулнорнинг кўзига ёға

бошлади. Гулнор кўрқувдан сапчиб турди. У туш кўраётган эди.

Соатига қаради, тонгги олти эди. Такрор ётоғига узанди. Рашид Қорлиғашов кўз олдидан кетмасди. Қора, чакиртиканак кўзлари унга тикилиб тураверарди.

– Ўртоқ Кунбоева, яна бир хато килдингиз, ташкилотимиз сизни кечирмайди, дерди у кўпинча.

Гулнор кеча кунлик рапортини соат олти яримда Қорлиғашовга топширганди. Қорлиғашов рапортни ўқиб чиқиб:

– Сиз бунга нега тўсқинлик қилмадингиз, ўртоқ Кунбоева? Бу Ўғуз Думон деган одамнинг йўлдан ўтган одамлар билан гаплашишига нега йўл қўйдингиз? Айниқса, бу одамлар месхет турклари бўлса! – деди.

Гулнор Кунбоева Ўғузнинг кўчада учратган месхетиларга “Сиз турклармисиз”, деган гапини ҳам ўз рапортига ёзганди. У ўз ўлкасига холис хизмат қилишни ва вазифасини иқир-чиқирларгача тўғри бажаришни истарди. У месхетларни Ўғуздан узоқлаштирган бўлса-да, уларнинг бир-бири билан гаплашгани ҳам Гулнорнинг айби ҳисобланаётганди.

Гарчи Гулнор барлос уруғидан эди. Унинг аждоқларини ҳам “турк” деб атаганини биларди. Лекин улар энди ўзбеклар эди. Ўзбек ватани учун ўзбек бўлишлари керак эди. Гулнорнинг кўзлари яна қорайди, яна қалдирғочлар тўлди кўзларига. Агар янглишиб, рапортда “ўзбек ватани” деб ёзса-ми, қўяверинг, оқибати нима бўлади!

Ўзбек ватани эмас Совет ватани бор эди, у шундай дейиши керак эди...

Ҳақиқатан ҳам, Туркиядан келган ҳайъатнинг ҳаммаси пантуркистлар эди. Улар ўзбекларни ҳам “ўзбек турклари” деб аташарди. Ўзбекчани ҳам “ўзбек туркчаси” деб аташарди. Гулнор ўз рапортида буларни ёзганди, фақат профессор Тўранинг пантуркист эмаслигини ҳам ёзганди. Бу ҳақда Қорлиғашов шундай деганди:

– Ўртоқ Афандиевни огоҳланти-

риш керак. Профессор Тўра бизга ҳақиқатан яқинми. Ёки ўз қиёфасини яширган пантуркистми?

Гулнор туркияликларнинг коктейлда ранг-баранг чиройли қўйлақлар кийиб келишганини кўриб бироз ҳайрон бўлди. Туркия ҳукумати уларга мутлақо бир махфий хизмат топширган бўлиши керак эди. Бу чиройли кийимлари ҳам балки бу хизматнинг бир бўлаги эди. Америка империализми сиқиб сувини олган бу Туркияда одамлар бунақа ҳашаматли кийимини мумкин эмасди. Бу намойишкорона ҳаракатнинг тагида албатта ташвиқот бор эди. Бир неча кун аввал Рашид Қорлиғашов аспирантларни тўплаб, уларга вазифаларини тушунтирар экан, шундай деганди:

– Империализм агентлари одатда қимматбаҳо кийимлар кийишади. Бу тамоман халқимизнинг кўзини бўяшга мўлжалланган. Улар 100-120 квадрат метрлик уйларда яшашларини айтишлари мумкин, бунга ишонманглар. Ўртоқ Қуролбоев Туркияга бир неча марта борган, у туркларнинг нақадар қоқоқлик ва қашшоқлик ичида яшаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Қорлиғашов ўшанда профессор Қуролбоевнинг рапортидан бир парча ўқиганди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўғуз Думон 100 квадрат метрлик уйда яшаётганини Гулнорга айтганди. Гулнор Ўғузни гапиртириб унинг жосус эканини исботлаши лозим эди. Чунки ўша “суҳбатда” Қорлиғашов Гулнорга қараб шундай деганди:

– Айниқса, ўртоқ Кунбоева, сиз эҳтиёт бўлишингиз керак, ҳайъат ичида 25 ёшли бир йигитни киритишлари тасодиф эмас. Унинг махсус топшириқ билан бу гуруҳга киритилганига аминман. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор беринг. Лекин Ўғуз Думон унча гапдон эмасди.

Гулнор соат саккиз яримда “Ўзбекистон” меҳмонхонасида бўлиши керак эди. Ўрнидан туриб кийинди, бир пиёла сув ичди ва йўлга тушди.